



# ДУСТЛИК ДУРДОНАСИНИ САЛМОҒИ БАЛАНДА

## ПАХТА ҲОСИЛИ МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИЛГАНДА ТЕЗ ВА КАМХАРАЖАТ БИЛАН ЙИҒИБ ОЛИНАДИ


Дўстлик тумани Мурод Абдувосиев номи сув истеъмолчилари уюشمаси ҳудудидаги Миркомил Гайбуллаев раҳбарлик қилаётган «Ойбек» фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 114 гектар ерда гўза парваришлаб, эл хирмонига шартнома режасидаги 281 тонна ўрнига 354 тонна «оқ олтин» армуғон эттиди. Жамонинг бу ютуғи ҳақида гап очсангиз, Миркомил Гайбуллаев, аввало, юртидага амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ҳар бир ишчи ва механизаторнинг юксак эътибор ҳамда ғамхўрликлардан баҳрамандлиги ҳақида сўзлайди.

— Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари бўлишида»ги Фармони ижроси доирасида олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида барча экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди, — дейди у. — Давлатга етказиб бераётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз пулини ўз вақтида олаётимиз. Таъминот идоралари деҳқончилигимиз учун зарур илғорлар, маъданли ўқитлар, трактор ёнилғиси ва мойларни ўз вақтида етказиб беришяпти. Шундай экан, бу ғамхўрликларнинг жавоби бўлиши керак-ку?!

Бугун Дўстлик туманида у каби илғор фермерлар кўп. Улар барча жаҳада ташаббускорлик билан меҳнат қилишмоқда.

— Муваффақиятларимиз омилли кўп, — дейди «Фирдавсий Ширинбой» фермер хўжалиги раҳбари Гулсара Уролова. — Чўлнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос сероҳсил гўза навларини экиш, экин парваришида илғор технологиялар ва техникаларга таяниб иш

юритиш, ишчи ва механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор қаратаётганимиз ва бошқа омиллар шулар жумласидандир. Бу йил 71 гектар майдонда пахта етиштирдик ва ҳар гектар майдондан шартномадаги 28 ўрнига 36,5



Суннат Сулаймонова раҳбарлигидаги «Бяхтиёрбек» ҳамда Жўлибой Бобоқулوف етакчилигидаги «Оқтош» фермер хўжаликлари далаларида ҳосилни йиғитиришда пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилди.



центрдан хирмон чошладик. — Қишлоқ хўжалигида олиб борилгаётган изчил ислохотлар ва давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори биз, фермерларни тинимсиз иزلанишга, соҳа ишларини тўла механизациялашга руҳлантирмоқда, — дея сўбатимизга кўшилди Хўшам Исроилов номи сув истеъмолчилари уюشمаси ҳудудидаги «Гайбуллаота» фермер хўжалиги раҳбари Абдуқошим Гайбуллаев. — Бу йил давлатга топширган 127 тонна ҳосилимизнинг 116 тоннасини машинада тердик. Бу, 91 фоизни ташкил этади. Шу ҳисобдан биргина ҳосил теримининг ўзидек 16 миллион сўм тежамкорликка эришдик. Туманимизда 70—80 фоиз ва бундан кўпроқ ҳосилларини машиналарда терган фермерлар анча.

Ха, жорий йилда «Халқобод» сув истеъмолчилари уюشمаси ҳудудидаги Комил Эгамов бошлиқ «Эгамтур фойз» фермер хўжалигида 100 фоиз, Раҳим Есенқуллов номи сув истеъмолчилари уюشمаси ҳудудидаги Мусурмон Абдуллаев раҳбарлигидаги «Абдуллаев Мусурмон» фермер хўжалигида 98,6 фоиз, Умид Давронов етакчилигидаги «Давронота» фермер хўжалигида 80 фоиз, Каримжон Нурлибоев бошлиғидаги «Ғалаба Н» фермер хўжалигида 72 фоиз ҳосил машиналар билан санранжолаб олинди. Умуман, туманимизда 70—80 фоиз ва бундан кўпроқ ҳосилларини машиналарда терган фермерлар анча.

— Пахта далаларимизда юртимизда ишлаб чиқарилган «МХ-2,8» русумли терим машинасини бошқарганимдан юрагим фахругурурга тўлди, — деди тажрибали механизатор Бяхтиёр Жўраев. — Хозирча синов нусхалари бўлса-да, бошқариш қулай, ёнилғи сарфи кам, энг муҳими — тоза терида. Бу жиҳатдан хориж техникаларидан устун. «МХ»ларнинг иш унуми ҳам ёмон эмас, жорий йилги 16 иш кунидан 124 тонна «оқ олтин» тердим. Она ўзбекистонимиз пахта етиштириш борасида жаҳоннинг етакчи давлатларидан бири экан, йигим-теримини машиналаштириш бўйича ҳам пешқадим бўлиши керак. Бунинг учун эндиликда барча имкониятларга эгамиз.

Тумандаги илғор фермер, деҳқон ва механизаторлар замон билан бирга одимлаб, изланувчанлик ва ташаббускорлик билан меҳнат қилувчи бунёдкорлардир. Улар ана шу фазилатлари билан пахта етиштириш ва давлатга сотиш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб боришяпти. Буни уларнинг 2011 йилда 47,3 минг тонна, 2012 йилда 49 минг тонна «оқ олтин» етиштирганлари, жорий йилнинг шу пайтгача 52 минг тоннадан зиёд хирмон чошлаганлари билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Туман пахтазорларида йигим-терим қизгин ва уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

(Боши 1-саҳифада) Ҳар би йил мобайнида Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда Олий Мажлис Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шoir ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндлари иштирокида кўплаб, жумладан, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида тадбирлар, учрашувлар, давра сўхбатлари ўтказилди, кўргазмалар ташкил этилди. Уларда истиқлол йилларида халқимиз эришгаётган улкан ютуқлар, кенг кўламли ислохотлар самаралари, қонун ижодкорлигида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар, мамлакатимиз Куроли Кулларидан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунириш, ҳарбий хизматчилар ва ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

### ЭЛ-ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

Мустақиллик йилларида эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган кўплаб ички ишлар идоралари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани бунинг аққол далилидир. Президентимизнинг шу йил 23 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари эл-юртимиз осойишталиги посбонлари байрами» қарори билан муносиб ҳисса қўшган кўплаб ички ишлар идоралари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонига мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди. Президентимизнинг ушбу фармони эл-юртимизнинг осойишталигини таъминлаш, ички ишлар тизимини мустақамлаш ва соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб тақдирлашга қаратилган юксак эътибор ва ишончинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди «Содик хизматлари учун» медали соҳибиди, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Отабек Шамсиев. — Ана шу ишончини оқлаш, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилишда бу юксак мукофот бизнинг зиммамизга янада улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида самарали хизмат қилаётган ходимлар, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирга санъаткорларнинг байрам концерти янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Норгул АБДУРАИМОВА, Уза мухбири.

### Қорақалпоғистон Республикаси

## БИЛИМ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан «Энг намунали патруль-пост саф бўлими» танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 15 жамоа иштирок этиб, уч кун давомида ўзларининг билим ва касб малакаларини намоийиш этишди. Танлов иштирокчилари сиёсий-ижтимоий билимларини синовдан ўтказиб, туристик тортишни, югуриш, қўл жанги, ўқ отиш, саф тайёргарлиги борасидаги маҳоратларини намоийиш этишди.



Танлов якунига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост батальони «Энг намунали патруль-пост саф бўлими» деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Наманган ҳамда Жиззах вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Тадбирда «Энг намунали патруль-пост хизмати аълочи миллиционер» номини олиб ҳақиқатини аниқланди. Унда биринчи ўринга Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати хорижи Садрриддин Низомов сазовор бўлди. Иккинчи ўринни қорақалпоғистонлик ва сирдарёлик ички ишлар ходимлари эгаллашган бўлса, учинчи ўринга тошкентлик, навойийлик ва бухоролик иштирокчилар муносиб кўрилди.

— Биз юрт посбонларига яратиб берилаётган имкониятлардан мамнунмиз, — дейди кўрик-танлов қўлиби, Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси пат-

руль-пост хизмати ходими Садрриддин Низомов. — Мазкур кўрик-танлов бизнинг маҳоратимизни янада ошириш ва ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашишимизда муҳим аҳамият касб этди. Келгусида бор билим ва маҳоратимни жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳавфсизлигини таъминлашга сарфлайман.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

### Қашқадарё вилояти

Балиқ гўштнинг шифобахшлик хусусиятлари кўп, дейишади. Бу бор гап Тиббиётда исботланган. Мутахассислар фикрича, ҳафтада икки марта балиқ еган одамдан кўлаб хасталиклар чеканиб, бундай кишиларнинг юраги бақувват, кўзлари ўткир бўларкан. Шунингдек, қон босими меъёрлашди, юрак-қон томир касаликлари, инфаркт ва инсультнинг олди оlinиши ҳам тажрибада синалган усул. Бу ҳали балиқнинг бизга фойдали бўлган бир жиҳати ҳолос. Балиқчилик иқтисодий томондан ҳам катта даромад келтирадиган тармоқдир. Бу соҳани ҳавзадаги «ҳазина», дейиш мумкин.

## ҲАВЗАДАГИ «ХАЗИНА»

Ҳўш, шундай экан айни пайтда Қашқадарё вилоятида аҳолининг парҳезоп ва турли витаминларга бой гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжи қай даражада қондирилаяпти? Умуман, балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Маълумотларга кўра, вилоятдаги барча сув ҳавзаларида иқлимга мослаштирилган ва юқори маҳсулдорликка эга балиқ турлари кўпайтирилмоқда. Тегишли ташкилотлар ва вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида тармоқни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Аҳолининг балиқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қоплашда, айниқса, сунъий ҳавзаларни кўпайтириш борасидаги ишлар яхши натижа бераётди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш жараёнида кўп тармоқли фермер хўжа-

ликларини ташкил этиш, уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Шу боис, бугунги кунда вилоятда ҳам кўшимча тармоқ сифатида балиқчиликни ривожлантираётган фермер хўжаликлари ва тадбиркорларга қатор имкониятлар яратилиб, қўшимча имтиёзлар берилмоқда. Натижада сунъий ва табиий сув ҳавзалари ташкил этилиб, балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони кўпаймоқда. Ишонинг кўзини биладиган ана шундай фермерларнинг саъй-ҳаракатлари билан бу соҳада давлатимиз томонидан белгиланган берилган чора-тадбирлар режаси муваффақиятли амалга оширилиб, тармоқ жадал суръатларда ривожла-

ниб бораётди. Жумладан, вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойида режалаштирилган 24 та ўрнига 40 та янги балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Ушбу хўжаликларнинг 70 гектар майдони сунъий сув ҳавзаларидан иборат.

Мисол учун, жорий йилнинг бошида «Халқ банки» томонидан ажратилган 10 миллион сўм кредит эвазига Ғузор туманидаги «Аслиддин Орифжон» фермер хўжалиги ўрнида балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Қамати туманидаги «Гиштли чўртан балиғи» хусусий корхонаси учун ер майдони ажратилиб, у ерда «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида балиқчилик фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида Қарши туманидаги «Рустам Усмон», Қасби туманидаги «Самдамат повлон Саидов», Чирокчи туманидаги «Давронбек Шавкатович» фермер хўжаликлари, Китоб туманидаги «Холиқов Санжар» деҳқон хўжалиги, Косон туманидаги «Сарвар Самандар» МЧЖ, Чирокчи тумани-

## АКАДЕМИК ЎТҚУР ИСЛОМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудодликка учради. Атоқли археолог ва тарихчи олим, тарих фанлари доктори, академик Ўтқур Исломов 81 ёшида вафот этди. Ў.Исломов 1932 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1956 йилда Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлади.



Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтидо лаборант сифатида бошлади, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Археология ва тарих фани ривоғига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ў.Исломов ўзининг қариёб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий ходими, бўлим mudiri, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими mudiri каби вазифаларда меҳнат қилди. Танқили олим археология ва тарихшуносликнинг долзарб масалаларига оид кўплаб монография ва рисолалар, илмий мақолалар муаллифидир. Айниқса, унинг раҳбарлигида Фарғона водийси ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон заминини энг қадимий одамзод манзилгоҳларидан бири эканини илмий асосда исботлаш имконини бергани, мамлакатимизнинг мезолит даврига оид тарихи айнан ана шу изланишлар асосида яратилганини илмий жамоатчилигимиз яхши билади.

Жонқуяр ва фидойи олим ўз фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Академик Ў.Исломовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўтқур Исломовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ, Э.РТВЕЛАДЗЕ**


## ЎШЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Гулистон шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчилари учун яна бир қулайлик яратилди.

Бу ерда 100 ўқувчига мўлжалланган, барча шарт-шароитлар мўҳайё этилган икки қаватли замонавий ётоқхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг қурилишини Баҳодир Мирзаев бошлиқ «Баҳодир-Боёв» қўшма таъриқи хусусий фирмаси қурувчилари 180 кунда тугалладилар.

Бинони тезу соз қуриб битказишда муҳандис Гайбулла Бердимуродов, гийш терувчилар — Рустам Ғоипов, Хусан Ёрбеков, бўёқчи Фаррух Меҳмононов алоҳида гайрат-шижоат билан меҳнат қилишди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.**



Ўтган даврда балиқчиликни ривожлантириш йўлида тадбиркорлар ўз маблағи ҳисобидан 554 миллион сўм сармоға йўналтирилган бўлса, тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари 606 миллион сўмни ташкил этди.

Муҳими, янги ташкил этилаётган балиқчилик хўжаликлари, бир томондан, тармоқ ривожига хизмат қилса, бошқа жиҳатдан, кўлаб янги иш ўринларини яратиш имконини бераётди. Шунингдек, тармоқ хўжаликларида балиқ уруғи етиштириш, уруғ сифатини яхшилаш, озука базасини мустақамлаш, балиқчиликда таннархни камайтириш, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш, мавжуд сув ҳавзаларини реконструкция қилиш ва балиқ етиштиришнинг интенсив усулларини кенг жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам қутилган самараларини бермоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар мавжуд сув ҳавзаларидан режадаги 950 тонна ўрнига 1135,9 тонна балиқ овланиб, истеъмолчиларга етказиб бериладиган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қарши шаҳри ва туманларда балиқ сотишга ихтисослашган махсус замонавий савдо дўконлари қурилиб, ишга туширилмоқда. Бу орқали истеъмолчиларда танлаш имконияти ортмоқда.


**Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ**



«Чашмаи Сафед»нинг кўз очаётган булоқлари

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, етти ҳазинанинг бири паррандачилик соҳаси ҳам эътиборимиздан четда қолмагани йўқ. Йигирма минг бош товۇққа мўлжалланган паррандачилик фермасини ишга тушириш арафасида турибмиз. Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 2 миллиард сўм бўлган автомобилларга газ қўйиш шохобчасини фойдаланишга топшириб, 25 та янги иш ўрни яратди. Гишт заводимиз модернизация қилинган, бу ерда ҳам қўшимча 40 та иш ўрни ташкил этилади. Боғишмоқ қишлоғидаги ҳаммом биносиди қурилиш-пардозлаш ишлари низоҳасига етказилган, 8 нафар киши доимий иш билан таъминланади. Соғломлаштириш масканига даги мини-футбол, волейбол, стол тенниси, сув ҳавзасидан ташқари 380 нафар миҳога мўлжалланган ошона ҳамда тўй, маросимлар залида ҳам аҳолига намуна-



ли хизмат кўрсатилиб келинмоқда. Айни пайтда «Чашмаи Сафед» фермер хўжалигида 319 нафар киши меҳнат қилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган бир қатор лойиҳалардаги ишлар амалга оширилган, фермер хўжалиги азозларининг сони янада ортади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни кенгайти-

риш ва иш самардорлигини оширишга хизмат қилади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибни Ҳамидхон ака Мўйдинқўжаев ва у раҳбарлик қилаётган ашлар жамоанинг келгувчилари мўваффақиятлар тилаймоқ.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.  
Аҳмад ХАМДАМ олган суратлар.


«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ЮРТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган мажлисида қайд этилганидек, жаҳон иқтисодийида муаммолар кучайганига ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганлигига қарамай, мамлакатни иқтисодий ислоҳ қилиш ва модернизациянинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилиши тўғрисида Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда.

Бу жараёнда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Жорий йил бошидан буён республикада 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилган, ушбу соҳа томонидан санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 15,2 фоизга ўсган, ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 51,2 фоизгача кўпайган ҳам фикримиз далилидир.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай кулай ишбилармонлик муҳитини яратишда молия муассасаларининг, хусусан, «Микрокредитбанк»нинг ҳам муносиб улуши бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш мазкур молия муассасасининг асосий йўналишларидан бирidir. Ўтган даврда ҳам бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Яъни «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 389,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 83 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари, хусусан, қўшимча жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан чакана хизматларни кўрсатиб келмоқда. Кўрсатилаётган имтиёзли микромолиявий хизмат турлари қўллаб-қувватлаш этилган тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя ажратиш, улар фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларга бўлган заруратини қондириш имконини берди.

Молия муассасаси ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилапти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини қўллаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга мазкур молия муассасасининг асосий йўналишларидан бирidir. Ўтган даврда ҳам бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Яъни «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 389,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 83 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари, хусусан, қўшимча жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан чакана хизматларни



ри учун шарт-шароит яратиб беришда банк томонидан қатор ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда ўтган даврда аёллар тадбиркорлигига 44 миллиард сўм кредит ажратилди ва 16,7 миңга яқин янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда банк кредитларидан фойдаланаётган аёл тадбиркорларнинг 85 фоизи банкнинг кичик кредитларидан фойдаланаётганлар ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг кам фоизли микросармоялари қўлайлиги билан ажралиб туради. Шу боис, банк сармоялари юртимиздаги қўллаб кичик бизнес вакиллари, айнаник, оилавий тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини кенгайтиришларида қўл келмоқда.

Банк томонидан оилалар мустақамлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳам эътирофга моликлар. Бунга шу йилнинг ўтган даври мўбайида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5

миңдан зиёд ёш оилага 31,9 миллиард сўм сармоя ажратилганида ҳам кўриш мумкин. Молия муассасаси томонидан ўстувор вазифаларни изчил амалга оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ишбилармонларнинг шу мақсаддаги истикболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 52,1 миллиард сўм миқдорда сармоя йўналтирилгани, бунинг натижасида нафақат ушбу соҳани тараққий эттириш, балки 14 миңдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилгани қувонарли ҳолдир.

Сирасини айтганда, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз иқтисодиёти ни ҳар томонлама тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни мўваффақиятли давом эттиришга Обод турмуш йилида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бермоқда.

Банк матбуот хизмати

Эълонлар

«KOSMAS MILK SAVDO XIZMATI» МҶННИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Андижон вилояти Хўжабод тумани ҳокимининг 2013 йил 9 сентябрдаги 02/15-339-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

килотчисининг манзили: Андижон вилояти Андижон шаҳар Навоий шўқ кўчаси 30-ўй 105-хона, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси. Тел/факс(8-374) 228-47-60, 228-47-61. E-mail: rieltssavdo@inbox.uz., www.1kms.uz. Лицензия RR 0001.

1. Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси куриш учун Хўжабод тумани Бирлашган ҚФЙ Янги ҳаёт МФЙ 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дونا, 6000,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 12 421 778 сўм.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шўқ ҳокимининг 2013 йил 12 сентябрдаги 01-02/714-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси куриш учун Хўжабод тумани Бирлашган ҚФЙ Янги ҳаёт МФЙ 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 6000,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 12 421 778 сўм. Мажбуриятларни бажариш муддати: 2014 йил декабрь.

1. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи куриш учун Навоий шаҳар «Навоий азот» ОАЖ ва «ГМЗ-1» корхоналари оралиғи ҳудудидан 2400,0 кв.м. 18-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 641 600 сўм.

2. Тўрт қаватли турак-жой биноси куриш учун Навоий шаҳар Спутник кўчаси ҳудудидан 860,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 657 900 сўм.

2. Тўрт қаватли турак-жой биноси куриш учун Навоий шаҳар Спутник кўчаси ҳудудидан 860,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 657 900 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хўжабод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

3. Савдо дўкони куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 72 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 29 353 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хўжабод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

4. Таълим уюми куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хўжабод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

5. Савдо дўкони куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хўжабод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

6. Таълим уюми куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хўжабод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Риштон тумани ҳокимининг 2013 йил 9 октябрдаги 360-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Савдо ва сервис хизмат кўрсатиш бинолари куриш учун Риштон тумани Оқ ер ШФЙ Уч Ариқ МФЙ 3-зона ҳудудида жойлашган 12 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 72 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 119 859 сўм.

2. Савдо ва сервис хизмат кўрсатиш биноси куриш учун Риштон тумани Оқ ер ШФЙ Уч Ариқ МФЙ 3-зона ҳудудида жойлашган 1 дона курилиш ости ер майдони 294 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

3. Савдо дўкони куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Риштон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

4. Таълим уюми куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Риштон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

5. Савдо дўкони куриш учун Риштон тумани Бўжай ҚФЙ Вохим қишлоғи 3-зона ҳудудида жойлашган 4 дона, ҳар бирининг курилиш ости ер майдони 35 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 269 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Риштон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

«UNIVERSAL AUKTSON INVEST» МҶЖ БОШLANҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 26 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилаётган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани Фаробий кўчаси 333а-уйда жойлашган «Узстандарт» агентлиги Республикаси синов ва сертификатлаштириш маркази» Давлат корхонаси барқарорлиги 1988 й. и/ч «ПАЗ-672М» русумли, д/р 01 806 ТСА, бошланғич баҳоси 9 704 000 сўм бўлган автобус қўйилмоқда.

2013 йил 26 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилаётган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2013 йил 4 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирғув қаралигидан қийиматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, биллақуқ, зирак ва бошқалар) «ShARQ KREDIT» МҶЖ томонидан қўйилмоқда:

1. 2И-550-сонли ижро хатига асосан (3-дона буюм) бошланғич баҳоси 840492,9 сўм;

2. 2И-551-сонли ижро хатига асосан (5-дона буюм) бошланғич баҳоси 2145084,65 сўм;

3. 2И-552-сонли ижро хатига асосан (1-дона буюм) бошланғич баҳоси 617581,86 сўм;

4. 2И-553-сонли ижро хатига асосан (1-дона буюм) бошланғич баҳоси 1258451,1 сўм.

Зарғарлик буюмлари билан «ShARQ KREDIT» МҶЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри Миробод тумани Миробод кўчаси 27-ўй 11-корпус 16-хонадон (Тел: 252-10-89, 252-65-75).

Юқоридаги мулклар 2013 йил 26 ноябрь куни соат 11:00 да 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилида қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолабҳо бошланғичлиги (бир) кун олдин соат 11:00 ва 11:30 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишувни имзолаган» давлат сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЕ БЛАГОУСТРОЙСТВА ГОРОДА АНГРЕНА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

Подлот 1-2: «Текущий ремонт ул. Горобогой (от дороги А-373 до ул. Говаргуна) с протяженностью 1,143 км г. Ангрена».

данская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, наменаченом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

Стартовая цена заказчика составляет — 561 447 904 сум с НДС. Стартовая цена заказчика составляет — 467 873 253 сум без НДС. Срок завершения работ — до 1 ноября 2013 года.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Размер квот для субъектов малого составляет 25%. Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета. Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценнообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан. Заказчик: УПРАВЛЕНИЕ БЛАГОУСТРОЙСТВА ГОРОДА АНГРЕНА. Адрес заказчика: г. Ангрена, 9 мавзе. Тел.: (8370)662-31-26. К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражд-

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, д. 18, 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32. Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок предоставления оферты организатору торгов предусмотрен ко дню и часу вскрытия оферты по адресу: г. Ташкент, проспект А.Темуря 19. Вскрытие оферты состоится по истечении 15 дней со дня публикации объявления.

